


Митио КАКУ: “ТАЪЛИМ ЭНДИ ХОТИРАГА ТАЯНМАЙДИ”



Келиб чиқшии япон миллатига мансуб америкалик физик олим аzon қатламида қора туйнукларининг кенгайиши ва Оламнинг ҳаркатининг тезлашиши бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борган. У фаннинг фаол тарғиботчиси сифатида етарли даражада таниқли. Оламнинг бир

неча бестеллер китоблар (“Суперструн назариясига кириш” “Имконисиз физика”, “Келажак физикаси” сингари қатор асарлари рус тилига таржима қилинган), BBC ва Discoveryда туркум кўрсатувлари машҳур ҳисобланади.

Каку – жаҳонга танилган ўқитувчи: у физика назарияси бўйича Нью-Йоркнинг Сити коллежи профессори, ўзининг маъruzalari билан дунё бўйлаб кўп саёҳат қиласди. Яқинда Митио Каку “Власть Денег – Пул ҳокимияти” нашрига берган интервьюсида келажак таълим мини қандай қўриши ҳақида гапириб берди.

– “Келажак физикаси” асарингизда келажакдаги таълим Google Glass сингари гаджет турлари ва интернет-технологияларига асосланиши ҳақида ёзгансиз. Таълим соҳасида келгусида қандай глобал ўзгаришилар юз беради?

Митио Каку. – Энг асосийси – таълим, ўрганиши энди эслаб қолишга асосланмайди. Тез орада компьютерлар ва Google Glass кўзойнаклари ўрнини барча зарур ахборотларни кўчириб олишига қодир урвоқдек линзалар шаклига трансформациялашади. Эндиликда шунга ўхшашиб вазифани бажарувчи қўшимча имкониятларга эга кўзойнаклар мавжуд. Шунинг учун икки-уч йилдан кейин ўқувчи ва талабалар имтиҳонларда интернетдан: биргина кўз қисиши ва керакли ахборотнинг пайдо бўлиши билан саволларга осонгина жавоб топа олишилари мумкин. Бу бир томондан амалиёт кўрсатаётганидек фойда бермайдиган, оқибатда асосий фоизи қўлланмайдиган билимлар билан мияни ортиқча зўриқтиришига ҳожмат қолмайди. Бошқа томондан ақлий заҳирадаги бўши ўрин ўйлаш, таҳлил

қилиши, далиллаш ва натижада ишиончили қарор қабул қилиши имкониятининг ривожланишига қайта мослашади.

– **Бундай вазиятда имтиҳонлар, ўқитувчиларга зарурат қолмайдими?**

– Шубҳасиз, биз янада мустақил бўламиз, ҳаётимиз учун катта масъулиятни ўз зиммамизга оламиз, шунга мос равишда қандайдир “назоратчи орган”га ҳожсат қолмайди. Одамлар аниқ вазиятни англаган ҳолда ўзларига айнан қандай билим кераклигига қараб ўзларига ўзлари таълим берадиган бўладилар. Агарда маслаҳатга эҳтиёж туғилса, улар убни масалан, “ақлли” деворлардан оладилар. Тез орада ҳамма жойда: уйлар, оғислар кўчаларда сунъий салоҳиятга (интелект) асосланган технологиялар, шунга ўхшаши қурилмалар ўрин олади. Деворнинг олдига яқинлашиб, “мен биология профессори билан гаплашишини хоҳлайман”, деб айтса кифоя. Шу заҳоти деворда барча керакли ахборотни берадиган олим пайдо бўлади. Бундай тизим нафақат таълим соҳасида, балки тиббиёт, юриспруденция, дизайн, психология сингари бошқа соҳаларига ҳам тадбиқ этилади. Албатта, масалан, жарроҳлар каби аниқ мутахассислар керак, аммо оддий муаммоларни виртуал ҳал қилиши мумкин бўлади. Ўқитувчилар масаласига келсак, уларнинг “тириги”га аниқ эҳтиёж бўлмайди.

– **Одамлар ўзларини қайта қуришига, ўзига-ўзи таълим беришга, онлайн – ўқитишга тез мослаша оладиларми?**

– Бу ҳақиқатдан ҳам зўр гоя. Университетларда онлайн-курслари аллақачон мавжуд. Тўгри, бундай дастурлар туфайли ўқишини ташлаганлар фоизи ҳозирча анча юқори. Бунга сабаб одамларда юқори мотивациянинг йўқлиги, устозсиз “фақат сен ва компьютер монитори” принципида ишишни ўрганмаганлиги, қайта мослашмаганлик билан бөглиқ. Бошқа томондан онлай-тизим энди пайдо бўляпти, уни тўғрилаб туришини талаб этади. Шунга қарамай у сезиларли даражса тез ривожланяпти ва тақомиллашиб боряпти ва шубҳасиз, таълим ундан 50 йил кейин орқада турибди. Университетлар сақланиб қолади, аммо улар тўлқинлардаги тизимга асосланган виртуал ОТМга қайта мослашади. Анъанавий таълим муассасалари маъruzalariда иштирок этадиганлар, омадсизлар деб ҳисобланади. Улар ҳақида “у ўзининг таълимини ўзига мослаб қайта тузиб чиқа олмаган”, деб гапиришади.

– **Ҳозирда олинган билимларни тасдиқловчи хужжасат - диплом ҳисобланади. У ёки бу соҳанинг бўлгуси мутахассиси ўзининг лаёқатини қай тарзда тасдиқлайди?**

– Дипломлар - аввало, таълимнинг қандайдир муддат ёки маконни ўзига жамловчи қолип билан чеклай бўлмаслиги туфайли, кераксизлигидан йўқолиб кетади. Барча кўрсаткичлар бўйича сертификатлашириш марказлари пайдо бўлади, унда мутахассислар ўзларининг тўплаган билим ва қўникумларини аниқлаш учун лаёқат имтиҳонини топширадилар. Натижага қараб муайян лавозимни қўлга киритадилар ёки киритмайдилар. Эҳтимол, вақти келиб, унификациалашган баллар шкаласи киритилиб – унинг миқдорига қараб жамиятда муайян лавозимни эгаллашга имкон бўлар. Унга мувофиқ тарзда университетлар хизматларни таклиф қилувчиларга айланади, ўзлари эса бу хизматларини баҳолай олмайдилар. АҚШ, Канада, Япония, Европада портфолио тизими жуда машҳур бўлиб, одам ўқиши давомида дипломлари, гувоҳномалари, сертификатларини тўплаб боради ва уни иши берувчига тақдим этади. Келгусида тўпланган ана шу интелектуал заҳира таълим тизимининг етакчи омилларидан бирига айланади, ахборот технологиялари эса инсон хизматини очиқ ва шаффофлигини кўрсатади.

– Агар катталардан таълимга ақлан ёндашиши талаоб этиладиган бўлса, болалар мунтазам назоратсиз ўқишилари даргумон бўлса керак...

– Болалар таълими хизматлари фаол тарзда ривожланади. Яқин 10-15 йил эҳтимол, ҳозир тизимдан ташқари деб аталаувчи таълим чегарасиз бўлиб қолади. Бу кисман, онлайн педагогика сингари хизмат бўлади. Онлайн – бу ҳамма компьютер қаршисида ўтиради ва мониторга тикилади дегани эмас: одамлар яшайдиган ва ўзаро фаолият олиб борадиган интерфайслар билан муҳитнинг ўзи ўзгаради. Ахборот-коммуникатив масалалар билан тўлган келажак шаҳарлари ўз-ўзидан янги таълим муҳитининг фаол иштирокчиларига айланади. Жумладан, болалар учун маҳсус тайёрланган макон ёки шаҳарнинг маълум бир қисмида бин еча кунлар ёки ойлар давомида банд бўлиши, ўрганишга қаратилган катта ўйинларни таклиф қиласди. Дарсликлар сунъий салоҳиятдан бошлиб ўргатилади ва ёши олти ёки олмиши бўлишидан қатъи назар аниқ бир ўқувчининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб таълимга оид: сурат, матн, тасвир, топширик, материалларни саралаб олинади. Бундай ишланмалар жуда кўп бўлиб, улар секин-аста амалиётга тадбиқ этилмоқда.

– Ҳозирда яхии мутахассис учун билимлар заҳирасини тўплаш ва тажрибага эга бўлиши керак. Келажакда муввафақиятли киши бўлиши учун нима муҳим бўлади?

– Реал ютуқларга эришишда: креативлик, тасаввур, ташаббус, етакчилик сингари хусусиятларидан фойдаланиш зарурки, робот уларни

бажара олмасин. Жамият иқтисодиёт маҳсулотларидан ақлий-ижодий жараёнларга мутассил ўтиб боради. Бекорга Тони Блэр Англия ўзининг конларидан кўра, рок-н-ролдан кўпроқ фойда кўради, деган гапни яхши кўриб гапирмасди. Маҳсулотлар бозори билан когнетив-ижодий салоҳиятни teng қўя олган давлатларнинг мувафақиятга эришиши имконияти анча юқори бўлади. Фақат қишлоқ хўжалигига ишонган миллатлар узок вақт бардош бера олмайди, улар ночорликка маҳкумдир.

– Футурологларнинг кўпчилиги иш ўринларининг аксарият қисмини ҳадемай роботлар эгаллашини башорат қиласди. Инсонга нима қолади?

– Биомехнологиялар, нанотехнологиялар ва сунъий салоҳият энг кўп тул топади. Эндиликда нафақат таълим тизими, балки ишилаш тизими ҳам ўзгаряпти. Жуда тез орада фабрикаларда одам қолмайди, зеро ақлий соҳада кўп мутахассисликлар пайдо бўлади. Энг муҳими бунга – ўз вақтида мувофиқлашиш ва мослашиш зарур. Аксарият одамларнинг муаммоси, уларнинг танбаллиги ва оломон томонга қарамасдан ўзлари бир қадам ҳам ташлай олмаслигидадир. Биринчидан, агар сиз келажакда мувафақиятга эришишини хоҳласангиз-нимани ўрганиши кераклиги, бошқаларга ўхшамай қолиши, бир кунда ҳамма нарсани ва унинг ортидан янги йўлга тушиб олишидан қўрқманг, ҳаётингиз учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммангизга олинг.

– Ҳозир ишисизлар дараҷаси, айниқса ёшлиар ўртасида ҳар қачонгидан кўра ҳам юқори. Бунга фақат жаҳон инқирози сабаби ёки заррача бўлса ҳам таълим тизими самарасизлиги ҳам рол ўйнайдими?

– Амалдаги таълим ўтмишдаги мутахассисларни тайёрлайди. Биз уларни амалда бўлмаган ишини бажаришига ўргатамиз, аллақачон самара бермай қўйган интелектуал воситалар билан таъминлаймиз. Шунин гучун дунёда ишисизларнинг фоизи юқори. Бизнес эгаси қандай мақсадда битирувчини ишга қабул қиласди: бунинг устига уларда таянч билимлар етмаганидай, тажриба ҳам йўқ. Натижалар, жаҳон компанияларининг аксарияти 50-60 йилдан бери етакчилигини кўрсатади. Ахир улар одамлар 120 ёшгача яшасагина тинчгина ўқишини давом эттиришилари мумкин ва менинг фикримча, узлуксиз таълимдан қутилиб бўлмаслигини англашлари керак. Шунинг учун ҳозир таълим соҳаси мутахассислари келажагда технологиялар билан бевосита боғлиқ бўлган табиий фанлар бўйича ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқмоқдалар.

– Аммо ҳамма ҳам ақлий меҳнатга лаёқатли эмаслигини ҳам ҳисобга олиш керакдир, балки. Ақлий фаолиятга мойил бўлмаган қобилиятли одам роботлар дунёсида яшай оладими?

– Юксак даражада ривожланган ҳар қандай сунъий интелект ҳам инсоннинг ўрнини тўлиқ эгалла олмайди. Аслида бизда ўзимизга қараганда ваколатларимиз, масаввур қилганимиздан кўпроқ қаршимиздаги машиналарга қаратилган. Масалан, роботлар образли фикрламайди, уларда тафаккур, сафқи табиий йўқ. Шунинг учун улар, айтайлик, ақл эмас, интуиция асосийси ҳисобланган брокерлар жамғармаси ўрнини босолмайди. Келгусида иши ижодкорлик билан боғлиқ бўлмаган боғбонлар, қурувчилар сингари жисмоний меҳнат ходимлари, яъни вазифасини автоматик тарзда эмас, балки ўзгаришларни турли босқичларда бажарадиган кишилар яшаб қолади. Ҳозирда “ишилар” деб ҳисобланаётган ақлий фаолият эгалари: дастурчилар, веб-саҳифаловчи, ЗДни лойиҳалашибуровчилар, яқин орада мутахассис сифатида эътироф этилади. Инсон нима билан машгул бўлмасин, унда ҳамма нарсага нисбатан ижодий ёндашув, ҳаётий масаввур, ўзгараётган вазиятга тез мослашиши ва яхши ривожланган савқи табиий (интуиция) бўлиши керак.

– Инсон ақлини замонавий технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ – тиббиётдан то кибернетикагача қандай ўзгаришлар кутмоқда?

– 2050 йилгача деярли ҳамма соҳаларда кўп жиҳатдан инсон ақлидан сезиларли даражада юқори турувчи онг устининг яратилиши эҳтимоли бор. Мисол учун, яқиндагина олимлар Human Brain Project европа лойиҳаси доирасида \$1 млрд инвестиция ҳисобига инсон мияси тузилишининг аниқлигини 20 микрометрга деталлаштириб кўрсатадиган Big Brain деб номланувчи ноёб харитасини яратдилар. Бундай автоматик атлас нафакат неврологлар ва нейрожарроҳларнинг оғир касалликларни аниқлаш ва даволашларига ёрдам беради, балки шу билан бирга миянинг ахборотнинг қандай қабу қилиши, ҳис-туйғуни қандай қайта ишлашини қўриш имкониятини беради. Бу амалий жиҳатдан онг устини яратиш жараёнини тезлаштиради, шунингдек билимлар заҳирасини қайта ишлаш орқали табиий когнитив жараёнларни барқарорлаштириш ва такоиллаштиришнинг максимал хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Узлуксиз ахборот узатишни таъминловчи мия чиплари – яқин келажак технологиялариdir.

**Назира Тошпўлатова
таржимаси.**

Манба: 22century.ru

P.S. Мазқур интервьюни журналишимиз саҳифаларида эълон қилишидан мақсад унда кўтарилиган мавзунинг долзарбелигидир. Ҳақиқатдан таниқли физик олим Митио Какунинг келажак таълими ҳақидаги фикрлари, башоратлари жуда қизиқарли, шу билан бирга мунозарали. У ўқувчида фикр уйготади, муносабат кайфиятини қўзготади. Агар ушибу интервью юзасидан сизда мулоҳаза пайдо бўлган бўлса, бизга ёзасиз деб умид қиласиз.